Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

28 ноябрь, пайшанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 242 (1494)

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК--АБАДИЙ ДЎСТЛИК

27 ноябрь куни Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Тошкент аэропортида Туркманистон давлат раҳбарига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пешвоз чиқди.

Миллий либосдаги қизлар олий мартабали меҳмонга Ўзбекистон заминининг анвойи гулларини тақдим этдилар.

Автомобиллар карвони икки давлат байроқлари ҳамда меҳмонларни олқишловчи шиорлар чиройига алоҳида тантаворлик бахш этган гўзал Тошкент кўчалари бўйлаб Дўрмон қароргоҳига йўл олди.

Дўрмонда Туркманистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов шоҳсупага кўтарилдилар. Икки қардош давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Шундан сўнг, Президент Ислом Каримов ва Президент Сапармурот Ниёзов ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди.

Икки қардош давлат раҳбарлари суҳбати чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон—Туркманистон ҳамкорлиги истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Айни вақтнинг ўзида қароргоҳдаги муҳташам залда Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегацияларининг музокаралари бошланди. Куннинг иккинчи ярмида эса расмий делегациялар аъзолари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов иштирокида кенгайтирилган таркибда музокараларни давом эттирдилар.

Ислом Каримов Президент Сапармурот Ниёзов раҳбарлигидаги Туркманистон делегацияси аъзоларини мамлакатимизга ташрифи билан қутлар экан, икки мамлакат халқларининг азалий қон-қардошлик, ҳамкорлик муносабатлари бугунги кунда янгича ҳуқуқий асосда тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади. Юртбошимиз шундан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг фойдаланилмаган имкониятлари ҳақида тўхталди. Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ҳуқуқий асосларини кенгайтириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мавжуд имкониятларидан оқилона фойдаланиш йўлида муҳим қадам бўлишини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатларимизнинг нефть ва газ қазиб олиш, ундан фойдаланиш, чегара вилоятларда эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш, машинасозлик соҳасида, транспорт коммуникациясини ривожлантириш ҳамда Орол муаммосини ҳал этиш борасида ҳамкорлик қилиши муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади. Шуниндек, юртбошимиз маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, жумладан, Ўзбекистонда Туркманистон кунлари, Туркманистонда Ўзбекистон кунлари ўтказиш, ўзаро телекўрсатувлар алмашишни кенг йўлга қўйиш қардош халқларимиз манфаатига хизмат қилишини қайд этди.

Президент Сапармурот Ниёзов Туркманистон қардош Ўзбекистон билан алоқаларни мустаҳкамлаш, жумладан иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори эканини айтди. Бу борада Президент Ислом Каримовнинг таклифларини тўла қўллаб-қувватлашини билдирди. Халқларимиз асрлар давомида бир-бири билан яқин алоқада бўлиб келган, бугун биз ушбу ришталарни янада мустаҳкамлаш учун барча имкониятларни ишга соламиз, деди жумладан, Сапармурот Ниёзов.

Ўзаро музокаралар ниҳоясида Ислом Каримов ва Сапармурот Ниёзов Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация, Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасидаги ҳуқуқий ёрдам ва фуқаролик, оилавий, жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартнома ҳамда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркманистон қўшма комиссиясини ташкил қилиши ҳақидаги протоколга имзо чекдилар.

Туркманистон Президентининг мамлакатимизга ташрифи ғоят самарали ўтаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Музокаралар ниҳоясида Бош вазир ўринбосарлари даражасида имзоланган Ўзбекистон ва Туркманистон ҳукуматлари ўртасида йўловчи ва юк ташиш халқаро дарё йўли тўғрисидаги, 1994-1996 йилларда етказиб берилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисидаги, наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ҳамда уларни суиистеъмол қилишга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги, ҳуқуқий ахборот алмашиш тўғрисидаги битимлар шундан далолат беради.

Бундан ташқари, икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари элчихоналар фаолияти билан боғлиқ масалаларни биргаликда ҳал этиш тўғрисидаги битимни, Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протоколни, шунингдек, фойда ва мулкдан икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимнинг ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протоколни имзоладилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон Мудофаа вазирлари эса Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасидаги ҳарбий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги шртномага, икки мамлакат Бош прокурорлари Ўзбекистон Республикаси прокуратураси билан Туркманистон Бош прокуратураси ўртасидаги Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасидаги ҳуқуқий ёрдам ва фуқаролик, оилавий, жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномани амалга оширишда ҳамкорлик тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов журналистлар билан учрашиб, уларни икки мамлакат расмий делегацияларининг ўзаро музокаралари якунлари билан таништирдилар.

-- Аввал имзоланган ва бугун қўл қўйилган 12 ҳужжат Ўзбекистон—Туркманистон ҳамкорлигининг қай даражада муҳим босқичга кирганлигини кўрсатади, -- деди Президент Ислом Каримов. -- Ушбу муҳим ҳужжатлар тарихи, маданияти ва дини бир халқларимиз манфаатига мос тушади, қолаверса, бугунги кунда ҳар икки мамлакат бозор муносабатларига ўтиш жараёнида дуч келаётган баъзи қийинчиликларни ўзаро ҳамкорликда ҳал қилишига хизмат қилади.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Туркманистон делегацияси таркибида ушбу мамлакат халқ хўжалигининг барча соҳалари вакиллари борлиги алоҳида эътиборга лойиқлигини таъкидлади.

-- Асрлар давомида ўзбек ва туркман халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланиб келган, -- деди Президент Сапармурот Ниёзов. -- Бугун ана шу хайрли анъанани давом эттириш, уни келгуси авлодларга муносиб равишда етказиш Туркманистон ва Ўзбекистон раҳбариятининг бурчидир.

Президентлар журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтардилар.

Оқшом Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида Туркманистон давлат раҳбари шарафига қабул маросими уюштирди.

Туркманистон Президенти С. Ниёзовнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

ДЕПУТАТЛАР ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси парламенти Кенгашининг 22 ноябрь куни бўлиб ўтган мажлисида биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясини 1996 йил 26 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақиришга қарор қилинди.

Шу муносабат билан Кенгаш мажлисида сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, сессия ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш ва депутатларга ўз вақтида етказиб бериш, бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш мақсадида Олий Мажлис депутатларидан иборат таркибда ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис Котибиятининг бошлиғи О. Олимжонов гуруҳ раҳбарининг ўринбосари этиб тайинланди.

27 ноябрь куни биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Уни гуруҳ раҳбари Б. Шодиева олиб борди.

Йиғилишда еттинчи сессияга тайёргарлик кўриш, сессия муҳокамасига киритилиши мўлжалланган қонунлар ва бошқа масалаларга оид ҳужжатларнинг тайёргарлик даражаси ҳамда амалга оширилиши режалаштирилган бошқа тадбирлар хусусида атрофлича фикр юритилди. Сессиянинг кун тартибига киритилган масалаларга доир ҳужжатлар парламент қўмиталарида пухта ва талабчанлик билан ишлаб чиқилиб, уларнинг лойиҳалари депутатларга етказилмоқда.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосари, ишчи гуруҳи раҳбари Б. А. Шодиева ишчи гуруҳи учта кичик гуруҳга бўлиниб, вазифалар аниқ тақсимланганлигини ва Котибиятнинг тегишли масъул ходимлари ишчи гуруҳларига бириктириб қўйилганлигини қайд этди. Сессия кун тартибига киритилган ва парламентда муҳокама қилиниши кутилаётган барча ҳужжатларни депутатларга зудлик билан етказиб бериш ҳамда Олий Мажлис ишини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари билан депутат Э. Воҳидов раҳбарлигидаги гуруҳ, сессия Котибиятининг таркибига доир таклифлар ҳамда унинг ишини ташкил этиш билан боғлиқ материалларни тайёрлаш, сессия залида барча техник хизматлар бир меъёрда ишлашини уюштириш масалалари билан депутат Х. Тошев раҳбарлигидаги гуруҳ, парламент мажлиси арафасида ва бутун сессия давомида депутатларнинг фаол иш олиб бориши учун шарт-шароит яратишнинг ташкилий жиҳатлари билан депутат И. Кочмарик раҳбарлигидаги гуруҳ шуғулланмоқда.

Парламент мажлисига ҳали қарийб бир ой муддат борлигига қарамай кичик ишчи гуруҳларида, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларида иш қизғин паллага кирганлиги бир овоздан таъкидлаб ўтилди. Сессия кун тартибига киритилган масалаларга оид таклиф ва мулоҳазалар синчковлик билан ўрганиб чиқилмоқда ва уларнинг кўпчилиги лойиҳаларда ўз аксини топмоқда. Ишчи гуруҳи мажлисида сўзга чиққанларнинг барчаси депутатларнинг бутун ҳаракатлари сессия мажлислари қизғин ва уюшқоқлик билан ўтишини таъминлашга қаратилганлигини таъкидладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЛИССАБОНГА ТАШРИФИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу йил 2-3 декабрь кунлари Лиссабонда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти иштирокчилари бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашувида иштирок этади.

ШАРҲ

Республика бошқарув органларини қисқартириш ва уларнинг тузилмасини такомиллаштириш, бошқарув ходимлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларга сарфланадиган харажатларни қисқартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 26 ноябрда «Бошқарув органлари тузилмасини такомиллаштириш ва маъмурий-бошқарув ходимлари сонини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Махсус ҳукумат комиссияси ва Молия вазирлигининг таклифлари асосида «Ўзтаёрловсавдо» Ўзбекистон Республика савдо-харид уюшмасини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ёғоч тайёрлаш, қурилиш конструкциялари ишлаб чиқариш ва ёғочни қайта ишлаш бош бошқармасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Вазирликлар, Давлат қўмиталари, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компанияларнинг ва уларга қарашли ташкилотларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг раҳбар ходимлари, маъмурий-бошқарув ходимлари сонини сезиларли даражада қисқартиришга доир чора-тадбирлар белгиланган.

Белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари сони ўртача 20 фоизга ёки 33,7 минг кишига қисқаради, шу жумладан бошқарув марказий аппарати ходимлари сони 2,4 минг кишига қисқаради, вазирлар, давлат қўмиталари раислари ва идоралар раҳбарларининг ўринбосарлари 91 нафарга камаяди.

Маъмурий-бошқарув ходимлари сонининг қисқариши уларга сарфланадиган харажатларнинг 1,6 миллиард сўмини тежаш имконини беради, унинг қарийб 1 миллиард сўми иш ҳақини ташкил этади.

Молия вазирлигига 1997 йил бюджетини шакллантиришда бюджет ташкилотларининг маъмурий-бошқарув ходимларига сарфланадиган харажатларни вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва уларга қарашли ташкилотлар бошқарув аппарати ходимларининг белгиланган чекланган сонига қатъий мувофиқ ҳолда маблағ билан таъминлашни назарда тутиш топширилган.

Қабул қилинган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши давлатнинг бошқарув тузилмаларига сарфланадиган харажатларини анчагина қисқартириш ва бўшаб қолган маблағларни ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтириш имконини беради.

МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙЛИК

27 ноябрь куни Тошкентда олий ўқув юртлари, малака ошириш муассасалари ва илмий тадқиқот институтлари раҳбарларининг кенгаши бўлди. Кенгашни Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги иштирокида ўтказди. Унда Ўзбекистон Президентининг янги давр ходимларини тайёрлаш ва тарбиялаш тўғрисидаги кўрсатмалари асосида таълим соҳасида педагог ходимлар малакасини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Кенгашда республикамизда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг тез ривожланиши билан таълимнинг ҳамон сақланиб турган анъанавий шакллари ва мундарижаси ўртасида, халқ хўжалиги тармоқларининг янги тоифадаги мутахассисларга эҳтиёжи билан ҳозирги вақтда уларни тайёрлаш сифати ўртасида зиддиятлар мавжудлиги қайд этилди. Бу биринчи навбатда профессор-ўқитувчилар таркибининг касб маҳорати ҳозирги талабларга қанчалик мос келишига, ўқув режалари, дастурлар, ўқув қўлланмалари, дарсликларнинг сифатига боғлиқлиги, уларнинг кўпида умри тугаган тоталитар тизимнинг излари сақланиб қолингани таъкидланди.

Бир қанча ўқув юртларида ўқитувчиларнинг самарали, ижодий ишлаши учун шароит яратилмаган. Олимлар мамлакатимизнинг вақт жиҳатидан қисқа, мазмунан бой янги тарихида юз бераётган жараёнлар аниқ акс эттирилган янги ўқув адабиётларини яратишда фаол иштирок этмаётирлар.

Кенгашда ўқувчи ёшларни тарбиялаш масалаларига, таълимнинг ватан мустақиллиги мафкурасига асосланган янги шаклларига кўп эътибор берилди. Ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларда ватанпарварлик, миллий ғурур туйғуларини тарбиялашда фаол иштирок этиши лозимлиги таъкидланди.

Ижро интизомининг бўшлигига, барча бўғиндаги таълим тизими раҳбарларининг маъсулиятига, уларнинг бир қисми тафаккурнинг эски қолипларидан қутула олмаётганига жиддий эътибор қаратилди.

Кенгашда Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев нутқ сўзлади.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Гулистонда халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши сессияси бўлди.

Унда 130-Янгиер сайлов округидан бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод кўрсатиш масаласи муҳокама этилди. Мазкур сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига вилоят ҳокими Ў. Исмоилов номзодини кўрсатиш тўғрисидаги таклиф маъқулланди, бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сессияда вилоят ҳокими Ў. Исмоилов қатнашди.

ЧЕГАРАЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида чегарачилар ҳаёти билан яқиндан танишиб, юртимиз сарҳадларини, халқимиз осойишталигини қўриқлаётган аскарларга муносиб шароит яратиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Куни кеча бу ердаги чегара бўлимларидан бири янги бинога эга бўлди. Қисқа вақтда қуриб битказилган бу бинода чегарачиларнинг маданий-маиший ҳордиқ чиқариши, спорт билан шуғуланишлари учун барча шароит яратилган.

Бинони фойдаланишга топшириш маросимида вилоят ҳокими Ж. Норалиев қатнашди.

«ЎзДЭУавто»: МАҚСАД -- ТАЛАБНИ ТЎЛА ҚОНДИРИШ

«ЎзДЭУавто Ко» қўшма корхонаси бош директори Ш. Юсупов билан мулоқот



-- Бугунги кунга келиб республикада «ЎзДЭУавто» корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобилларга бўлган талаб ҳаддан ташқари кучайиб кетди. Шу муносабат билан айтингчи, заводдаги ва савдодаги ҳозирги аҳвол қандай?

-- Ишлаб чиқариш асосан олдиндан белгиланган тартиб бўйича давом этмоқда. Шу йил 25 ноябргача жами 18 минг, шу жумладан, 6.600 та «ДАМАС», 3.500 та «ТИКО» ва 8.200 та «НЕКСИЯ» чиқарилди. Шундан 16.000 та автомобиль ички бозорга жўнатилди. Талаб эса биз кутганимиздан ҳам юқори бўлиб чиқди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

Биринчидан, кейинги йилларда жамият фаровонлиги анча юксалди, бинобарин, замонавий автомобилларни харид қилишга қурби етадиганлар кўпайди.

Иккинчидан, автомобилларимиз истеъмолчиларнинг юксак талабларига жавоб берадиган даражада сифатли бўлгани учун ҳам бозори чаққон.

Учинчидан, нарх-наво ҳам бозор муносабатлари шароитида муҳим омил ҳисобланади. Демоқчиманки, биз чиқараётган автомобилларнинг нархи нисбатан анча мақбул.

Тўртинчидан, узоқ вақтлан бери Ўзбекистон бозорида автомобилларни сотишнинг пухта уюштирилган тизими йўқ эди.

-- Илгарилари собиқ СССРда автомобиллар сотилмасди, балки «тақсимланарди». Бунда, ҳатто, сунъстъмол қилишлар ҳам бўлиб турарди. Бу муаммо масаласида ҳозир нима дея оласиз?

-- Режали иқтисодиёт шароитида товарлар тақчиллиги табиий ҳол. Бинобарин, тақсимлаш ҳам «яширин» кўринишдаги воқелик бўлиши эҳтимолдан холи эмасди. Бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги кунда тақсимлаш номақбул ишдир. Қолаверса, ўша тақсимловчи структуранинг ўзи йўқ энди. Маълумки, бозор иқтисодиётида талаб ва таклифни мувофиқлаштирувчи восита нарх-наво ҳисобланади. Бугун биз мураккаб вазиятда қолдик. Бир томондан биз ишлаб чиқаришни энди йўлга қўйяпмиз ва шу боис ҳозирча бозорни тўлдира олмаймиз. Иккинчи томондан эса ижтимоий йўналтирилган барқарор нархни қўллаб-қувватлашга мажбурмиз. Агар июль ойида кунига 20 та автомобиль чиқарган бўлсак, ноябрга келиб, бу рақам 200 дан ошди. Юксак талабни ҳисобга олган ҳолда биз 1997 йил режасини қайта кўриб чиқдик. Илгари мўлжалланганига нисбатан 20 фоиз кўп автомобиль ишлаб чиқарамиз. Бошқача қилиб айтганда, 1997 йилнинг охирига бориб, бир кеча-кундузда ишлаб чиқариладиган автомобиллар сони 500 тага етказилади. Ишонаманки, ана ўшанда бизнинг автомобилларимизга бўлган талаб тўла қондирилади.

Бироқ тақсимлаш механизми йўқ бўлган бугунги кунда ҳам автомобиллар билан чайқовчилик қилиш ва республикадан ташқарига қонунсиз олиб чиқиб кетиш кўринишидаги суиистеъмолчилик содир бўлаётир. Бунинг устига ноқонуний «қора» валюта бозорининг мавжудлиги ҳам бу муаммони чуқурлаштирмоқда. Валюта билан фирибгарлик қилиш орқали сотиб олинган автомобиль унинг номинал қийматидан анча арзон туради. Шунинг оқибатида автомобиль чайқов бозори пайдо бўлди. Биз бу ҳолга қарши курашаяпмиз. «Ўзавтотеххизмат» акционерлик жамиятининг савдо тармоғида навбатда туришни жорий этяпмиз. Бироқ тан олиш керакки, бу борада кўнгилдагидек самара йўқ. Гап шундаки, биринчидан, қонунга мувофиқ олиб сотишни таъқиқлаб қўйиш мумкин эмас. Иккинчидан, икки хил дилер мавжуд бўлиб, бири ҳар бир вилоят маркази ва Тошкент шаҳрида ўз автосалонига эга бўлган «Ўзавтотеххизмат» акционерлик жамияти тизими, иккинчиси — «Ўзбексавло» ва «Ўзбекбирлашув» бўлиб, уларнинг ҳар бирида яна субдилерлар бор. Агар бир «Ўзавтотеххизмат»ни бир амаллаб назорат қилиб турган бўлсак, бошқа дилер ва субдилерлар эса деярли бизнинг назоратимиз остида эмас.

Шуни таъкидлаш жоизки, автомобилларни сотиш ва техник хизмат кўрсатиш тизими хатолик ва синовлар йўли билан эндигина шакллантирилмоқда. Ҳозирданоқ битта хулоса аниқ -- биз дилерларни кўпайтирмаслигимиз, уларни ўта синчковлик билан танлаб олишимиз ва асосан автотеххизмат соҳасида кадрларни тайёрлаш, уларни тарбиялаш, назоратни кучайтириш, таълим ва бошқа соҳаларга эътиборни қаратишимиз лозим. Ҳозирданоқ бу ишга бир миллиард сўмга яқин кредит маблағлари жалб этилди ва энди ана шу маблағларнинг қайтиб келишига эришиш зарур. Бунинг учун улар кўпроқ автомобиль сотишлари керак. Таркибида автосалон, техник хизмат станцияси (ТХС) ва Асакабанк бўлими бўлган 15 комплектдан иборат бу тизим кунига 60-70 та автомобиль сотиш имкониятига эга. 1997 йилда сотиш дастурида бу станцияларнинг ҳар бирига кунига камида 15 та автомобиль тўғри келади. Яъни бу тармоққа шу етарли. Зеро, автомобиль гугурт сингари якка тартибда талаб қилинадиган товар эмаски, ҳар бир қишлоқда автосалон очиш шарт бўлса. Бу айнан хонавайронликдир. Бундай интилишлар пайдо бўлаяпти ҳам. Агар фуқаро беш йил мобайнида бир марта автомобиль сотиб олалиган бўлса, вилоят маркази ёки шаҳарга бемалол бориб, бу ерлардаги замонавий автосалонлардан автомобилни хизмат кафолати билан сотиб олиб, Асакабанкнинг бўлими орқали ҳисоб-китоб қилаверади. Бу, айниқса, нақд пул муаммоси нуқтаи назаридан муҳимдир. Бошқа банкларнинг бўлимларида субдилерлар орқали автомобиль сотиб олиш чоғида нақд пул билан суиистеъмолчиликка йўл қўйиш ҳоллари ҳозирданоқ учраб турибди. Шуниси муҳимки, чекланган дилерлик тармоғи ва битта банк тизимида назорат ва тартиб ўрнатиш анча осон.

-- Экспорт масаласида аҳвол қандай?

-- Товар экспорти умуман мураккаб масала, автомобилни экспорт қилиш эса ундан ҳам мураккаб иш. Бундай бозорда рақобат жуда кучли. Шунга қарамай, жараён кўнгилдагидек бўлмаса-да, ҳар ҳолда бошланди. Бу масалани вақт ҳал қилади. Биз МДҲ мамлакатларида ўз дилер фирмаларини барпо этишга ёрдам бердик, айрим жойларда ТХСнинг мавжуд салонларидан фойдаландик. Бироқ кўпини ўзимиз қуришимиз керак. Автомобиль сигарет эмаски, дўконча (лоток)да сотаверилса. Махсус жиҳозланган салонлар ТХС керак бўлади. Уларни таъмир технологияси билан жиҳозлаш, кадрларни ўқитиш, эҳтиёт қисмларни сотиш ва рекламаларни йўлга қўйиш лозим.

Ўзига хос масалалар ҳам бор. Чунончи, автомобилларни миллий андозалар талаби бўйича сертификатлаш, товарнинг келиб чиқишини мамлакатга исботлаш лозим. Мана шу мураккаб бюрократларча расмиятчиликлар рақобатчилар томонидан очиқдан-очиқ муҳосара (блокада) вазиятида кечмоқда. Ушбу рақобатчилар бозорда ҳозирданоқ муайян ўринни эгалладилар. Дарвоқе, Россия бозорларига сертификат олиш учун жуда қисқа муддат ичида автомобилларимизни Европа андозасига мослаб модернизациялашмизга тўғри келди. Бу модернизациялашгача автомобилларимиз такомиллашмаганди, дегани эмас, албатта. Гап шундаки, улар Япон («ТИКО», «ДАМАС») ва Америка («Нексия») андозаларига мослаб лойиҳалаштирилган ва ишлаб чиқарилган эди. Ва бу андозалар бир-биридан бирмунча фарқ қилади. Модернизациялаш натижасида кўпгина ижобий ўзгаришлар юз бериб, уларни қайдловчилар, ҳатто, кўролмайдиган ҳам. Масалан, «Нексия»нинг борт компьютери ёки осма қисмлари, ёруғлик техникаси секторидаги, лакбўёқ қатлами қалинлигидаги фарқлар. Айримлари эса кўринади -- чунончи, ён томондаги бурилиш кўрсаткичлари, жароҳат етказмайдиган руль, чироқларни салондан тўғрилаш қурилмалари ва бошқалар. Буларнинг ҳаммаси қўшимча сарф-харажатга олиб келди ва табиийки, нархнинг ошишига сабаб бўлди. Тўғри, нархнинг ошганлиги асосли, негаки, хавфсизлик янада яхшиланди, комфорт ошди. Ноябрнинг охирида бу янги модификациялар ички бозорда ҳам пайдо бўлади. Бироқ биз ички ва ташқи бозор учун модификацияларда фарқ бўлмасин, деган қарорга келдик. Сифат даражаси ягона бўлиши керак ва биз шу принципга қатъий амал қилаяпмиз.

Дастлабки ойлардаги савдо тажрибаси шуни кўрсатдики, харидорлар хавфсизроқ ва комфортли моделларни талаб қилишяпти. Шуни ҳисобга олиб, биз кондиционер, электр ойна кўтаргичлар, антенна ўрнатилган, анча комфортлаштирилган модификацияларни кўпроқ чиқаришга, ҳамма моделларда кенг шиналар, энг такомиллашган магнитолалар ўрнатишга қарор қилдик. «Нексия»га марказий қулф, «Тико»га орқа ойна тозалагич ўрнатилади.

Автомобиль нархи ва сифат кўрсаткичларининг мутаносиблиги муайян моделнинг бозордаги рақобатбардошлигини белгиловчи муҳим омилдир. Ва бизнинг мақсадимиз «ЎзДЭУавто Ко» акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг комфортлиги, хавфсизлиги ва экологик самаралилигини белгилайдиган хусусиятларини ошириб боришдир.

Ўз мухбиримиз.

---

28 ноябрь -- Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган кун

УФҚЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Мустақиллик шарофати билан республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кўнгилни қувонтирадиган туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон жаҳондаги кўпгина нуфузли ташкилотлар билан яқиндан алоқалар ўрнатди. Осиё қитъасида тузилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) шундай ташкилотлардан бири ҳисобланади.

Бир неча йил бурун ташкил этилган мазкур ташкилот томонидан ўзига хос умумий бозорни вужудга келтириш йўлида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. 1992 йил 28 ноябрь куни мазкур ташкилотга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Исломободда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон ҳам ушбу минтақавий ташкилотга расмий аъзо бўлди.

Тарихи, маданияти ва дини муштарак бўлган 300 миллиондан зиёд аҳолини қамраб олган бу минтақанинг инсоний ва моддий имкониятлари беқиёсдир. Минтақада ўзига хос муаммолар ҳам борки, уларни ҳамкорликсиз ҳал этиб бўлмайди. Аввало, саноат ва савдо соҳасида ҳамкорлик қилиш, минтақаларо сайёҳликни ривожлантириш, алоқа тизими -- автомобиль ва темир йўл, ҳаво йўллари, сунъий ер йўлдоши орқали коинот алоқаларини вужудга келтириш каби долзарб масалаларни ҳал этиш иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Марказий Осиё давлатлари ва Эрон темир йўллари тизимини бирлаштирадиган Тажан -- Сарахс -- Машҳад -- Бандари Аббос темир йўл тармоғи қурилиши ўттан қисқа вақт ичида ИҲТнинг савдо, транспорт, алоқа тизимини ривожлантириш борасидаги фаолиятининг амалий натижаларидан бири бўлди. Шуниси қувонарлики, бу тармоқ Ўзбекистонга жанубий денгиз бандаргоҳларига йўл очиб берди. Айни пайттача ИҲТ ишини такомиллаштириш, унинг бир қанча янги ташкилотларини таъсис этиш бўйича муҳим ҳужжатлар ҳам имзоланди.

ИҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг 1996 йил 14 майда Ашгабад шаҳрида бўлиб ўтган IV учрашувида Президентимиз Ислом Каримов мазкур ташкилот фаолиятига баҳо берар экан, унинг иқтисодий манфаатлар умумлигидан келиб чиқиши, шу боис аъзо мамлакатлар иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириши, транспорт коммуникацияси муаммоларини ҳал этиши, замонавий транспорт тизимини йўлга қўйишга эътибор қаратиши лозимлигини таъкидлади. Жумладан, Покистон бандаргоҳларига олиб чиқадиган жанубий йўналишдаги янги алоқа йўли ва Туркманбоши шаҳри орқали амалга ошириладиган Транскавказ йўлини барпо этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Дарҳақиқат, Сарахсда имзоланган Озарбойжон, Грузия, Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги тўрт томонлама ҳужжат Осиё ва Европани туташтирувчи яна бир аниқ истиқболни очиб берди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти келажак сари дадил қадам қўймоқда. Унинг ташкилотга аъзо давлатлар илмий-техникавий салоҳиятини мувофиқлаштириш, бошқа минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари билан яқиндан алоқа ўрнатиш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари тез орада ўз натижасини бериши шубҳасиз.

(ЎзА).

ХАБАРЛАР

УРУҒЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ -- ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Республика Фан ва техника давлат қўмитасида пахта уруғчилигини ривожлантириш муаммоларига бағишланган йиғилиш бўли. Унда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси илмий-тадқиқот институтлари мутахасислари ва олимлар иштирок этди.

Йиғилиш қатнашчилари фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, уруғларни саралаш, экишга тайёрлаш ҳамда чигитнинг муайян минтақаларга мослаштирилган мўл ҳосилли навларини қўпайтириш масалаларига етарли эътибор берилмаётир, бу эса пахтачилик ривожига салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидладилар.

Йиғилиш қатнашчилари мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этиш хусусида фикр алмашдилар.

(ЎзА).

«БАНДЛИК ДАСТУРИ» САМАРА БЕРАЁТИР

Элликқаъла туманидаги «Малик», Тўртқўлдаги «Алишер» ва «Қудрат», Нукусда «Массагет» ва «Яна» кичик корхоналари, «Қорақалпоқжанубсувқурилиш» тресті ёнида 200 ўринлик корхона, Амударё туманида 30 ўринлик кулолчилик цехи, Қоратоғ поселкасидан 24 ўринлик кийим тикиш цехи -- буларнинг ҳаммаси Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан амалга оширилаётган «Бандлик дастури» асосида вужудга келган янги корхоналарнинг бир қисми, холос.

Ушбу дастур асосида фақат шу йилнинг ўзида 17 мингга яқин янги иш жойлари вужудга келди. Бандлик хизматига ёрдамлашувчи жамғарма ҳисобидан 10,6 миллион сўмдан ошиқроқ маблағ юмшалди. Йилнинг 9 ойи мобайнида бандлик хизмати тизимидаги муассасаларга 19 мингга яқин одам мурожаат қилган бўлса, уларнинг деярли 60 фоизи доимий ишга жойлаштирилди.

Ҳайитбой Абдусодиқ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЙИЛ ОХИРИГА ИЛК МАҲСУЛОТ ЧИҚАДИ

«Хонқа-Шуя» Ўзбекистон -- Россия қўшма корхонасини кенгайтириш ишлари бошланди. Натижада бу ерда ҳозирдагидек йилига 600 тонна эмас, балки минг тонна пахта толаси калаваланади. Бунинг учун цехларга Россиядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатила бошлади. Корхонанинг иккинчи навбати йил охиригача илк маҳсулот беради.

СУРАТГА ОЛИНАЯПТИ

Фарғона туманидаги сўлим Саткак қишлоғида «Насриддин Афанди» номли янги фильм суратга олинмоқда. Уни «Ўзбектелефильм» ижодкорлари ҳамда Юсуфжон Қизиқ Шакаржонов номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри ҳамкорликда яратмоқда. Икки қисмдан иборат бу фильмнинг айрим кўринишлари Қўқон шаҳридаги хон ўрдасида суратга олинаётир.

(ЎзА).

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

РИМ. Венгрия ҳукумати мамлакат ҳудудида Италия ҳарбий кучлари билан биргаликда ҳарбий ўқув машқлари ўтказишга тайёр эканини билдирди.

Италия мудофаа вазири Бенямин Андреатий ва Венгрия мудофаа вазири Дердем Келет ушбу ўқув машқини ўтказиш тўғрисидаги ҳукуматлараро шартномани имзоладилар.

Италиялик кузатувчиларнинг фикрига кўра, ўтказилажак ҳарбий машқ Венгриянинг Шимолий Атлантика Иттифоқига кириши учун замин ҳозирламоғи мумкин. Чунки Венгрия биринчилардан бўлиб НАТОга кириш учун ўз номзодини қўйган мамлакатлар сирасига киради.

Б. Андреатий журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, «НАТОнинг Шарқий Европага қараб кенгайиши, ушбу минтақанинг хавфсизлигини таминлашда асосий ўрин тутади», деди.

БУЮК БРИТАНИЯ ҲУКУМАТИ ҚЎШИЛМАЙ ТУРИБДИ

БРЮССЕЛЬ. Европа Иттифоқи мамлакатлари Буюк Африка кўли ҳудудига халқаро кучларни кирита бошлади. Бунга фақат Буюк Британия ҳукумати қўшилмай турибди.

Бироқ, Британия ташқи ишлар вазири Малколм Рифкиднинг таъкидлашича, аслида Лондон халқаро кучлар миссиясига қарши эмас.

Нидерландия ҳукумати эса бошқа давлатларни бу ишга тезроқ бош қўшишга чақирмоқда. Франция ва Испания эса ушбу минтақага қуролли кучларни киритишга тайёр.

ЭНДИ ТЕЗКОР КОМПЬЮТЕРЛАР СОТИЛМАЙДИ

ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари маъмурияти «Ай-Би-ЭМ» ва «Хьюлетт-Паккард» компаниясининг Россия Атом Энергияси вазирлиги лабораториялари учун мўлжалланган ўта тезкор компьютерларини сотишни тақиқлади.

Гарчи, бу қарор Америка иқтисодиётига миллионлаб доллар зарар келтирса-да, лекин қуролланиш масалалари бўйича мутахассислар, Россия ушбу компьютерларни ядро қуролини синаш ишларида қўллаши мумкинлиги хавфи борлигини таъкидламоқда.

ИШСИЗЛИК КЕСКИН ТУС ОЛАЯПТИ

ЖЕНЕВА. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) маълумотига қараганда, ҳозирги даврда ер юзининг бир миллиардга яқин аҳолиси ишсиздир. Бу кўрсаткич жами ишчиларнинг 30 фоизини ташкил этади.

Биргина Европа Иттифоқига аъзо давлатларда ўтган йилга қараганда ишсизлик 11,3 фоизга кўпайган. Бу ҳол Франция, Германия, Италия ва Швецияда кескин тус олмоқда.

АСРНИ ҚАРИТГАН ФОЖЕА

Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, асримизни қаритган энг мудҳиш фожеалардан бири, шубҳасиз, Афғонистон билан боғлиқдир. Бу фожеа ўзининг даҳшати, чигаллиги ва зиддиятлари билан бутун инсониятни қаттиқ ташвишга солмоқда.

Собиқ Совет қўшинларининг Афғон тупроғидан олиб чиқиб кетилганига етти йил тўлган бўлишига қарамасдан уруш олови тобора алангаланиб бораётир. БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг мамлакатда тинчлик ўрнатиш учун қилган ҳаракатлари ҳозирча ҳеч қандай натижа бермаяпти.

«Толибон» раҳбарияти ўзларини мамлакатнинг қонуний ҳукумати сифатида тан олинишини сўраб, БМТ Бош ассамблеясига мурожаат қилди. Улар бу даъволарига Афғонистонда ҳақиқий ислом давлати тузилгани ва мамлакатнинг 75 фоиз ҳудудини ўз назоратига олганликларини асос қилиб кўрсатаётирлар. Бироқ, на халқаро ҳамжамият ва на дунёдаги бирон бир давлат «Толибон» ҳаракатини Афғонистоннинг ҳақиқий эгаси деб тан олганича йўқ.

Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси раҳбарларининг Алматида бўлиб ўтган анжуманида толибларнинг шафқатсиз ва муросасиз сиёсати қаттиқ қоралангани.

Ўнлаб йиллар давомида олиб борилган уруш туфайли Афғонистонда сиёсий-иқтисодий вазият издан чиқди, маиший-маданий ҳаёт инқирозга юз тутди. Тиббиёт ва таълим масканлари умуман ишламаяпти, деса ҳам бўлади. Аммо, бирор дона бўлсин ўқ ишлаб чиқарилмайдиган бу мамлакатда курашаётган томонлар энг замонавий ҳарбий техника билан қуролланган. Қашшоқ аҳоли очлик, касаллик балоларидан азият чекаётган бир вазиятда тўплар даҳшат солиб ўкирмоқда, бомбардимонлар зарбидан қишлоқлар, шаҳарлар вайрон бўлиб, харобага айланмоқда. Афғон халқига кўпчилик ҳамдард, ҳамма тинчлик ўрнатилиш тарафдори, лекин бу юртга оқиб кираётган қуролярог ортган ажал карвонларини тўхтатишга шошилиш сезилмаяпти. Бу ҳолат Яқин ва Ўрта Шарқда ўз таъсирини сақлаб қолиш истагидан воз кечолмаётган баъзи йирик давлатларга қўл келмоқда ва «Толибон»ларга қурол етказиб беришга қулай шароит туғдирмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Афғонистонга қуролярог етказиб беришни тақиқлаш тўғрисидаги таклифни бир қатор нуфузли ташкилотлар минбаридан туриб баралла айтган эди. Ўзбекистон Президентининг бу оқилона таклифини халқаро ҳамжамият, шу жумладан, Россия, АҚШ ва Европадаги кўпгина давлатлар қўллаб-қувватладилар. Бироқ, ҳали бу борада бирор амалий чора кўрилмади.

Ўтган ҳафтада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан уруш ҳаракатларига чек қўйиш тўғрисидаги янги лойиҳа ишлаб чиқилган эди. Бу лойиҳа «Толибон» ҳаракати ва унга қарши курашаётган ҳукумат қўшинлари раҳбарияти томонидан маъқулланди. Бироқ, воқеалар ривожи ижобий томонга ўзгармаяпти. Бадгис ва Фароб вилоятларида қонли курашлар ҳамон давом этмоқда, томонлар тўплардан, танк ва авиациядан фойдаланмоқда. Юзлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлаётир, қочоқлар сони кундан-кунга ошиб боряпти. Маълумотларга қараганда, биргина Ҳиротда бир неча минг қочоқ тўпланган. Жанглар қизғин давом этаётган Мурғоб дарёси ҳудудларидаги қочоқлар сони эса ўн мингдан ошиб кетди.

Ҳа, қон тўкиш давом этаётир. Бечора афғон халқи эса аламлар ва забунлик зардобини ичишга мажбур.

Кобул шаҳри аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг огоҳлантиришича, яқинлашиб келаётган қиш кунларида пойтахт аҳолисини очлик балоси кутмоқда. Озиқ-овқат танқислиги бу ерда энг катта муаммо бўлиб қолаётир. Халқаро Қизил хоч қўмитасининг хабарига қараганда, яқин икки ой ичида, барча имкониятлар ишга солинган тақдирда қишлов учун зарур бўлган озиқ-овқат заҳирасининг ярминигина ғамлаш мумкин.

Кобулда-ку, ҳарқалай, аҳолига кўмак берувчи халқаро ташкилотлар мавжуд. Лекин қиш аёзларида мамлакатнинг узоқ тоғли ҳудудларидаги, қирғинбарот уруш бораётган жойлардаги бегуноҳ аҳоли — қариялар, аёллар, болалар ва касалманд афғонларнинг ҳоли нима кечаркин? Бундай шафқатсиз саволлар жафокаш афғон халқига узоқ йиллардан бери азоб бериб келмоқда. Шунга қарамай, афғон халқи йигирма биринчи асрда ўз юртини озод ва обод кўриш умиди билан яшамоқда. Бу юртда жаҳолат устидан ақл-заковат тантана қилиб, тинчлик ўрнатилиши ҳамда шу қутлуғ умиднинг афғон тупроғида куртак очиши учун дунёдаги барча тинчликсевар кучлар якдиллик билан ҳаракат қилиши ва бу жафокаш халққа ёрдам бериши бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир.

Зафар ОМОН,
(ЎзА).

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КОМИССИЯСИ

Ҳурматли таҳририят!
Маълумки, мамлакатимиз билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кун ўтган сайин ривожланиб бормоқда. Шу боис газетангиз саҳифаларида ЕИнинг асосий органларидан бири бўлган Европа Иттифоқи Комиссияси ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз

Ф. ТУРСУНҚУЛОВА.
Шаҳрисабз тумани.

Европа Комиссияси Европа Иттифоқининг ижроия органидир. Унинг 20 нафар аъзоси миллий ҳукуматлар томонидан тайинланадилар, аммо ўз фаолиятларида мутлақ мустақилдирлар.

Иттифоқнинг ҳар бир йирик аъзо мамлакати — Франция, Германия, Италия, Испания, Буюк Британия Комиссияга 2 тадан вакилини, кичик мамлакатлар эса битта вакилини юборадилар. Вакиллар 5 йил муддатга тайинланадилар ва Комиссарлар, деган номга эга бўладилар.

Комиссиянинг Жак Сантер раислигидаги ҳозирги таркиби ўз вазифаларини ижро этишга 1995 йилда киришганлар ва 2000 йилгача фаолият кўрсатади. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси алоҳида фаолият йўналишига (одатдаги миллий ҳукумат вазирлари каби) жавоб беради ҳамда Бош Департамент деб номланувчи тегишли соҳага бошчилик қилади.

Комиссиянинг асосий иш тили инглиз, француз ва немис тиллари ҳисобланади, бироқ барча расмий ҳужжатлар аъзо мамлакатларнинг тилларига таржима қилинади.

Комиссия ҳамжамиятларни таъсис этиш тўғрисидаги шартномаларининг ижросини таъминлаш билан шуғулланади ва қонунчилик ташаббуси билан чиқади. Бу таклиф қарор ва директивалар тусини олгач, уларнинг ҳаётга тадбиқ этилишини назорат қилади.

Комиссия аъзоси мамлакатлар томонидан ЕИ қонунчилиги бузилган ҳолда санкциялар эълон қилишга, шу жумладан, Европа Судига мурожаат қилишга ҳақлидир. Комиссиянинг штаб-квартираси Брюссель шаҳрида жойлашган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айни дамда мамлакатимизда Европа Иттифоқининг таъсис дастури доирасида бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хабарингиз бор, шу йилнинг ёзида Флоренциянинг «Фортеза да Бассо» қароргоҳида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериқчилик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган эди. Яқинда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Белгияга қилган расмий ташрифи давомида ЕИ Комиссияси раиси Жак Сантер билан учрашди. Унда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.



Шунингдек, Ўзбекистон билан ЕИга аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисида оралиқ битим имзоланди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг фаол аъзосига айланишида бундай алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Европа Иттифоқи каби дунёдаги энг салмоқли ва обрўли ташкилот томонидан мамлакатимизнинг эътироф этилиши юртимизда эришилган инсон эркинлиги, унинг ҳуқуқлари ва интилишларининг устуворлигидан далолатдир.

Фурқат САНАЕВ
тайёрлади.

Каттақўрғон ёғ-мой комбинати -- 60 ёшда

МАҲСУЛОТ ТУРИ ҲАМ, СИФАТИ ҲАМ ОШДИ

Мамлакатимизда шундай корхоналар борки, уларнинг фаолияти жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Яъни, бу ерларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар одамларнинг кундалик турмушида жуда зарур. Республикамиз ёғ-мой саноатининг қалдирғочи ва бугунги кунда ҳам йирик корхоналаридан ҳисобланмиш Каттақўрғон ёғ-мой комбинати ана шундай масканлардандир.

Илмий манбаларнинг хабар беришича Марказий Осиёда пахта ёғини саноат усулида ишлаб чиқариш ўн тўққизинчи асрнинг охирларидан бошланган. 1896 йили «Ўрта Осиё саноат ширкати»нинг муҳандиси А. И. Югович Каттақўрғон шаҳрида пахта ёғини саноат асосида илк бор ишлаб чиқаришга қўл урди. Бу корхонага иккита гидравлик ва ўн олтита плиталик зичловчи дастгоҳ ўрнатилган эди. Бугунги кун нуқтаи назаридан бундай дастгоҳлар кичик бир цех вазифасини уддалай олмаса ҳам, лекин ўз даврида унинг қурилиши йирик техник ютуқ ҳисобланарди. Аслида ана шу кичик корхона пахта ёғини саноат асосида ишлаб чиқаришда катта бурилиш бошлаб берди. Ўша пайтлар зичлаш усули билан олинган ёғ ҳали озуқа мақсадида ишлатишга ярамас, уни ҳар хил аралашмалардан тозалаш талаб қилинарди. Бундай цех корхонада бўлмаганлиги туфайли тайёрланган пахта ёғи рафинациялаш учун Кавказдаги Махачқалъа шаҳрига олиб борилган. У ерда эса улкан сиғимга эга идишларга қуйилиб Москвага жўнатиб турилган. Лекин А. И. Югович 1897 йил охирларида Каттақўрғондаги корхонанинг ўзида ёғни тозалаш цехини ишга туширишга муваффақ бўлди. Каттақўрғонда, қолаверса бутун Марказий Осиё ҳудудида озуқабоп пахта ёғини ишлаб чиқаришга шу тариқа асос солинган эди...

1926 йили Марказий Осиёда йирик ёғ-мой заводини тиклаш лойиҳалаштирилганда уни қуриш учун жой айнан Каттақўрғон шаҳридан танлангани ҳам бежиз эмасди. Чунки бу ерда бир нечта кичик мой заводлари аввалдан мавжуд эди. Қолаверса шаҳар пахта чигитидан саноат асосида ёғ олиш усули илк бор жорий қилинган тарихий марказ ҳам ҳисобланарди. Бу ижобий сабабларнинг барчаси дунёда биринчи бўлиб пахта чигитидан илғор технология усулида ёғ оладиган йирик корхона қуриш учун Каттақўрғон шаҳрининг танланганига асос бўлган, десак адашмаймиз.

Юқорида айтилганидек ушбу заводнинг қурилиши ҳақида 1926 йилда қарор қабул қилинган бўлса-да, аммо унга киришиш анча чўзилди. Чунки аввалига бир-иккита янги цехлар тиклаш билан чекланмоқчи бўлдилар. Бироқ кейинчалик лойиҳа қайта кўриб чиқилди ва йирик завод қуришга қарор қилинди. Корхонани тиклаш ишлари 1931 йилда бошланди ва беш йил давом этди. Шуни айтиш лозимки, уни қуришда ҳатто Италиянинг «Франко-Този» фирмаси мутахассислари ҳам қатнашдилар. 1936 йил 6 ноябрь куни ўз қувватига кўра ўша пайтлар жаҳондаги энг йирик ёғ-мой комбинатининг ишга тушириш маросими бўлиб ўтди.

Завод фаолият кўрсата бошлагач, аввалига чигитни тозалаш, тайёрлаш ва экстракция цехлари ишлади. Бу, дунёда биринчи ва 1953 йилгача Ўзбекистонда ягона, пахта ёғини илғор технология -- экстракция йўли билан олувчи корхона ҳисобланарди. Зичлаш орқали ёғ олишга қараганда экстракция усулининг илғорлиги шундан иборатки, унда ёғ бензин эритмаси ёрдамида олинади. Зичлаш (пресс) усулида олинган ёғга нисбатан маҳсулот чиқиши анча юқори бўлади. Ўша даврдан бошлаб ёғ-мой экстракция заводи нафақат Каттақўрғон шаҳри, балки бутун Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тута бошлади.

Корхона фойдаланишга топширилган дастлабки вақтларда унда бир кеча-кундузда 280 тонна пахта чигити қайта ишланиб, 47,4 тонна ёғ олишга эришилган. Лекин кейинчалик, йиллар давомида янги технологиянинг жорий этилиши натижасида ушбу кўрсаткич мунтазам равишда ошиб борди. Заводда тайёрланаётган маҳсулот турларининг ошиши, янги технология ва техниканинг жорий қилиниши бу соҳалар бўйича махсус маълумотли мутахассисларни тақозо этарди. Ана шуларни ҳисобга олиб комбинат қошида ишчиларга соҳалар бўйича техник маълумотлар берувчи махсус курслар очилди. Корхона ишчилари шу ўқув даргоҳларини битирганларидан кейин турли цехларга қабул қилинар эди.

-- Шуниси эътиборлики, -- дейди комбинат директори Искандар Эшбеков. -- Завод биринчи бор илғор технология асосида тикланган корхоналардан ҳисобланади. Ўтган олтмиш йил давомида ҳам у мунтазам кенгайиб, ишлаб чиқариш қуввати ошиб борди. Ҳар йили бу ердаги технологик жараёнларга албатта қандайдир янгиликлар жорий этилди.

Ишлаб чиқариш бу шундай жараёнки, у ҳар доим янгиланишни ва мунтазам ўсишни тақозо этади. Чунки кечагина илғор ҳисобланган иш усуллари бугунга келиб талабга жавоб бермай қолиши мумкин. Шу сабабдан юқорида айтганимдек, корхонанинг ажойиб мутахассислари ва раҳбарлари унга мунтазам равишда янги технологияларни жорий қилиб бориш ҳаракатида бўлганлар.

1964 йилнинг бошларида заводда мамлакатда биринчи бўлиб деҳризгарлик қуймаси ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилди. Каттақўрғонда тайёрланган бу маҳсулот металлургия ва машинасозлик саноатининг деҳризгарлик цехларини четдан олиб келинадиган қимматбаҳо хомашёдан арзон ва юксак сифатли хомашёга ўтишига ёрдам берди. Биз бугун корхонанинг юксалишида хизматларини аямаган ишчилар, мутахассислар ҳақида гапирар эканмиз, бу борада ёрдамини аямаган республикамиз олимлари хусусида ҳам тўхталиш жоиздир. Ана шу деҳризгарлик қуймаси ишлаб чиқариш технологиясини тайёрлашда ўша пайтлар мавжуд бўлган бутуниттифоқ мой илмий-тадқиқот институтининг филиали ходими Н. С. Қодированинг хизматлари ниҳоятда катта бўлди. Қолаверса бу ерда йигирмадан зиёд олимлар тадқиқот ишларини олиб боришган ва ўз илмий хулосаларини корхона фаолиятига жорий қилишган.

Заводнинг олтмиш йиллик тарихи давомида ўнлаб, юзлаб ишчи-хизматчилари фидойиликлари туфайли ҳукуматнинг юксак нишонларига сазовор бўлишди. Уларнинг орасида В. Г. Клепиков, Мамади Сатторов, М. Скворцова, З. Бобомуродов, Н. Тўхтамуродова, Г. Галиева, Р. Ҳамзина каби ўнлаб заҳматкашларнинг номини кўрсатиш мумкин. Корхонанинг оддий ишчиси Юнус Юсупов эса Меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Саксонинчи йилларни корхонанинг юксалиш даври, деб атасак муболаға бўлмас. Ана шу даврда янги техникани жорий қилиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлаш, иш шароитини яхшилаш борасида кўп тадбирлар бажарилди. Масалан, 1987 йили корхона жамоаси 208,5 минг тонна пахта чигитини, 27,1 минг тонна индов (рапс) уруғини ва 25,6 минг тонна соя уруғини қайта ишлашга эришди. Шу йили 42,3 минг тонна тозаланган ёғ ва 32 минг тонна совун истеъмолчиларга етказиб берилди.

Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга ўтиш корхона жамоасига маълум қулайликлар туғдирган бўлса-да, лекин турли республикаларда жойлашган завод ва фабрикалар билан алоқанинг узилиши катта қийинчиликларни ҳам вужудга келтирди. Аммо шунга қарамай бу шароитларда ҳам Каттақўрғон ёғ-мой комбинатида янги технологияларни жорий қилиш тўхтамади. Мустақиллик даврида заводнинг экстракция цехида Германиядан олинган янги НД-1250 маркали линия ўрнатилди.

Меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида корхона маблағидан уй-жой қуриш ишлари кенгайди. Завод ўз ходимларига 48 квартирали уй-жойларни тиклаб, фойдаланишга топширди. Маълумки, ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишининг асосий шартларидан бири меҳнаткашларга қулай шароитлар яратиб бериш, уларни ижтимоий муҳофаза этишдир. Айни кунларда завод раҳбарияти бу масалада талайгина тадбирларни амалга оширди. Бугун комбинатга тегишли 2 та болалар боғчасида ишчиларнинг уч юзга яқин фарзанд-лари тарбияланаётир. Уларга сарфланадиган барча харажатларни комбинат ўз зиммасига олган. Ёки бошқа бир мисол. Каттақўрғон шаҳридаги 3-ўрта мактабга қатор йиллардан буён ёғ-мой комбинати ҳомийлик қилади. Ўқув даргоҳи иморатларини таъмирлаш, керакли ускуналарни олиб бериш ҳам завод зиммасида. 1994 йилда эса корхона мактаб учун икки қаватли янги ўқув биноси қуриб берди ва уни зарур ускуналар билан жиҳозлади.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш шартларидан бири бу оз ишчи кучидан фойдаланиб, кўп истеъмол маҳсулотлари етиштиришдир. Корхонада ўзини-ўзи зарур маблағ билан таъминлаш, ишсиз қолган кишиларни янги меҳнат ўринларига жалб этиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Маълумки, 1992 йилдан бошлаб пахта экувчи хўжаликларга режа бўйича топширилган чигитнинг маълум қисмини ва режадан ортиқ олинган чигитнинг барчасини ёғ-мой заводларига топшириб, ундан чиққан маҳсулотларни ўзларига қайтариб олишга рухсат берилди. Ана шундай шартномалар асосида фақат 1995 йилда бир юзу етмиш хўжаликнинг эллик минг тонна чигити қайта ишланиб, маҳсулотлари -- ёғ, кунжара ва шелуха уларга қайтарилди.

1995 йилнинг тўртинчи чорагида корхонада биринчи марта олифа ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилди. Ўтган йил бошидан комбинат ҳиссадорлар жамиятига айлантирилди. Биринчи навбатда қиймати юз сўм бўлган 38758 та акция чиқарилди. Корхона жамоаси ҳиссадорлар жамиятига айлантирилгач, биринчи йилнинг ўзидаёқ катта соф фойда олди. Ўтган йил якунига кўра ҳар акцияга тўққиз юз беш сўмдан дивидент тўланди. Бу мақсадларга ўн миллион сўм сарфланди.

Олтмиш йил тарих учун ҳеч гап бўлмаса-да, лекин бир корхона ҳаётининг маълум даврини сарҳисоб қилишга етарли муддат. Чунки ана шу даврнинг ҳар куни ва ҳар йили Каттақўрғон ёғ-мой ҳиссадорлар жамияти учун ривожланиш, изланиш йиллари бўлди, десак адашмаймиз.

Комбинат ўз фаолиятини бир кеча-кундузда эллик тонна оқартирилмаган ёғ ишлаб чиқаришдан бошлаб, ҳозир республикамиздаги ёғ-мой тайёрланадиган корхоналарнинг энг йириги айланди. Бугун бу ерда бир кеча-кундузда икки юз тонна оқартирилмаган, 180 тонна тозаланган ёғ, бир юз ўн тонна хўжалик совуни, йигирма тонна деҳризгарлик қуйилмаси, икки тонна олифа, катта миқдорда кунжара ва шелуха ишлаб чиқаришга эришилмоқда. Комбинат жамоаси республикамизда тайёрланаётган пахта ёғининг ўн фоизини хўжалик совунининг 40 фоизини, деҳризгарлик қуймасининг юз фоизини тайёрлаб бермоқда.

Мамлакатимизда бўлган ижтимоий ўзгаришлар корхона жамоаси мисолида ҳам ўз аксини топди. Агар 40-йилларда бу ерда ишлаётган кишилар орасида мутахассислар бармоқ билан санарли даражада бўлса, бугун корхона ишчи-хизматчиларининг асосий қисми олий ва ўрта махсус маълумотга эга.

Давр жамоа олдига янги-янги вазифаларни қўймоқда. Бу ердаги қайноқ ҳаёт, ижодий изланишлар, эришилаётган меҳнат ютуқлари вазифалар албатта уддаланишидан далолат бериб турибди. Демак, Каттақўрғон ёғ-мой комбинати тарихига ҳали кўп зарҳал сатрлар битилиши унинг ёрқин саҳифалар билан безалиши муқаррар.

Музаффар МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ДЕЛЛ» ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИГА ЙЎЛ ОЛДИ

Компьютер замонавий технологиялар ичида кенжа соҳалардан бири бўлишига қарамай жаҳон бозорида энг харидоргир маҳсулот ҳисобланади. Бу албатта, бежиз эмас. Чунки инсоният онги, жамият қанчалик тараққий этса, замонавий ҳамда ихчам маҳсулотларга бўлган талаб ҳам шунчалик ошаверади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлади. Бу эса табиийки, барча соҳаларни замонавий технология билан таъминлаш, хусусан, компьютерлаштиришни тақозо қилади. Шу боис айни пайтда ишлаб чиқаришдан тортиб, барча катта-кичик соҳалар компьютерлаштирилаяпти. Компьютер ишлаб чиқарадиган жаҳондаги барча йирик компания ва фирмалар ўз маҳсулотларини Ўзбекистон бозорига олиб кирмоқдалар. Ва ана шундай йўл билан мамлакатимизда соғлом рақобатга асосланган компьютер бозори пайдо бўляпти.

Куни кеча Республика киночилар уйида жаҳонга машҳур «Делл компьютер корпарацион» корпорациясининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мазкур корпорация жаҳон бозорида алоҳида мавқега эга. У компьютер ишлаб чиқарадиган жаҳондаги 5 та йирик корхоналардан биридир.

Корпорация 1984 йил Американинг Техас штатида ташкил этилган. Унинг айни пайтда Америка Қўшма Штатларининг 31 та йирик шаҳрида офиси бўлиб, жаҳонни 130 дан ортиқ мамлакати билан савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйган. «Делл» жорий йилда акциялар даромади жиҳатдан АҚШдаги биринчи рақамли компания сифатида тан олинди. Корпорациянинг заводи Лимерик (Ирландия) шаҳрида жойлашган. Корпорация 1996 йил июль ойида Москва шаҳрида МДҲ мамлакатлари ҳудудларида фаолият юритувчи «Делл системс ЛТД» компаниясини ташкил этди. Айни пайтда мазкур компаниянинг Украина, Молдово ҳамда Белорус республикаларида ваколатхоналари фаолият кўрсатаяпти.

-- Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан энг барқарор давлат бўлганлиги учун ваколатхонамизни Тошкент шаҳрида очишга қарор қилдик, -- дейди «Делл системс ЛТД» компанияси вакили В. Иванов. Уни «Делл технология», деб номладик. «Делл технология» Ўзбекистонга компьютер етказиш, буюртма қабул қилиш, йирик лойиҳаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, сервис хизмати кўрсатиш, мутахассислар тайёрлаш, компьютерларни программалаштириш каби кўплаб вазифаларни бажаради. Биз асосан, давлат тузилмалари, санаот корхоналари, молия ва илмий муассалар билан ҳамколикда ишлашни кўзда тутаяпмиз.

Компания жаҳон андозалари даражасида сервис хизмати кўрсатади. Ҳар бир мижознинг талаб ва таклифидан келиб чиққан ҳолда иш юритади.

Дарвоқе, «Делл технология»нинг «Сергак телефон»и мижозларга 24 соат тинимсиз хизмат кўрсатади. Мижозлар у орқали истаган вақтда исталган маълумот ёки хабарни олишлари мумкин.

Тақдимот сўнгида «Делл технология» вакилларига фаолият юргизиш мақомини берувчи сертификат топширилди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда компьютер соҳасида рақобат қилувчи компаниялар сони яна биттага кўпайди.

Исмат ХУДОЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИ ГАЗЕТА

Бухоро давлат университети қошида «Нақшбандия» илмий маркази иш олиб бормоқда. Ушбу марказ сўфийлик фалсафаси, маданияти, адабиёти ва санъати, унинг теран томирлари ҳамда тарихини бугунги авлодга илмий асосда етказишга хизмат қилади.

Яқинда унинг нашри -- «Нақшбандия» газетасининг биринчи сони босмадан чиқди. Маълумки Нақшбандия халқларни ҳидоят йўлига бошлаб эзгулик ва диёнат, олийжаноблик ва инсонпарварлик ғояларини кенг тарғиб қилган. Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ва унинг салтанати мафкураси ҳам ана шу таълимотга асосланган. Биз аждодларимизнинг маданий меросини ўрганмай туриб, ўзлигимизни англай олмаймиз. Газета ана шу мақсадга йўналтирилган.

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Табиат оламида

«БОДОЙ ТЎҚАЙ»ДА БЎЛГАНМИСИЗ?

«Бодой тўқай» қўриқхонаси Қорақалпоғистон Республикасининг жанубидаги ихчамгина, сокин маскан. Бир томони тоғ, бир томони дарё. Шимол томонидан Султон Увайс тоғининг ён бағирларигача чўзилиб кеттан. Амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб қадимий Говур қалъа ёдгорлигигача яна 15 километр. Бу ерлардан 24 километр узунликда сизот сувли Кўкдарё ўзани оқиб ўтади. Умумий ер майдони 6400 гектарга яқин. Қорақалпоғистондаги энг йирик ягона ўсимлик ва ҳайвонот қўриқхонаси ҳисобланади. 4 минг гектарга яқин майдонни эгаллаган ўрмон хўжалиги 170 турга яқин ўсимликлар дунёси билан қопланган. Асосийлари табиий туронғил, жийда, жигилдак ва бошқалар.

«Қизил китоб»га кирган 60 турга яқин жонивор ва қушларни кўпайтириш ва асраш бўйича бир талай ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда «Бодой тўқай» давлат қўриқхонасида 20 турдан зиёд ёввойи ҳайвон, жумладан, 90 та бухоро кийиги (хонгул), 4200 та қирғовул (ёввойи товуқ), 138 турдаги ҳар хил қушлар яшайди. Айниқса, бухоро кийигини муҳофаза қилиш қўриқхона ходимларининг ҳозирги кундаги асосий вазифаси саналади.

1975 йилда иккита она, битта эркак бухоро кийиги иқлимлаштириш учун олиб келинган эди. Улар қисқа вақт ичида шароитга мослашиб, кўпая бошлади. Ҳозирги кунда уларнинг сони 90 тага етди.

Кейинги йилларда чет эллик сайёҳлар, олимлар, мутахасислар, ҳатто давлат раҳбарлари ҳам қўриқхонага катта қизиқиш билан қарашмоқда. Франция, Жанубий Африка, Англия каби давлатлардан мутахассис ва сайёҳлар ташриф буюриб, ҳайвонат ва ўсимлик оламини катта қизиқиш билан томоша қилишмоқда.

Эндиликда бу ерга келувчи меҳмонлар тобора ортиб бораётганлигини эътиборга олиб, қўриқхонада улар учун қулай шароит яратиш, йўлаклар ва дам олиш жойлари қуриш ҳам режалаштирилмоқда.

Холбой САФОЕВ,
қўриқхона директори.

Солиқчилар фош этади

ТИЛЛАЕВЛАРНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Бухоро шаҳрининг Жарқоқ кўчасида истиқомат қилувчи Азим Тиллаев бугун ҳаммага отнинг қашқасидек маълум. Тадбиркорликка кенг йўл очилгач, Бухоронинг ўзида ўтириб пул топиш йўлларини излай бошлади. Тезда ўзига ўхшаш нафси ўпқонлар билан тил топишиб, уйда ароқ тайёрлаб сотишни касб қилиб олди.

Бошланиши чакки бўлмади. Ҳар куни 200 шишадан ароқ ўтиб турди. Бебилиска пул ҳамённи тўлдираверди. Қарасаки, биров мушугини пишт демаяпти. Спирт топилса бўлди экан. Тошкентдаги ҳамтовоқлари спирт «проблема»сини зиммага олишди. Шу тариқа қўлбола ароқ ишлаб чиқариш кўлами кенгаяверди. Фақат спиртнинг бадбўй ҳидидан кўни-қўшнилар безор бўлишарди. Лекин қўшнилар эътирози ярим чақага ҳам олинмади. Чунки арақфурушларни энди енгил даромад қутуртириб юборган эди. Унчабунча одамни назарларига илишмасди.

Тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тўғрисида ҳукумат қарори эълон қилингандан кейингина «қўлбола» ароқ тайёрловчиларнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекциясининг масъул ходимлари Хайри Фатхуллахўжаев, Бахтиёр Қурбонов, Маъмур Паноев, Вали Раҳимов тегишли ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда рейдлар ўтказишаётганда Тиллаевларнинг сири очилиб, уларнинг миси чиқди.

Текширув давомида солиқчилар Азим Тиллаевнинг хонадонини кўздан кечириб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолдилар. Улар бу хонадонда спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришга мослаштирилган бутун бир цехнинг гувоҳи бўлишди. Бир томонда спирт тўла 13 та темир бочка ёнма-ён турарди. Уларнинг ҳар бирида 200 литрдан спирт бор эди. Иккинчи томонда сотиш учун тайёрлаб қўйилган 22 яшик қўлбола ароқ, шишаларнинг қопқоғини ёпадиган иккита дастгоҳ, ароқларнинг турли хил номлари ёзилган 11 минг дона чиройли ёрлиқлар, 8 минг донадан ортиқ бурама қопқоқлар ҳам Тиллаевларга тегишли эканлиги аниқланди.

Солиқчилар темир бочкалар оғзини очишган эди, техник спиртнинг бадбўй ҳиди гуп этиб думоққа урилди. Наҳотки! Ҳамма ҳайратдан ёқа ушлашди. Тайёрланаётгани ароқлар киши организмини заҳарлаб, кўзни нурсизлантирадиган техник спиртдан тайёрланаётгани маълум бўлди.

Унинг таркибида кўп миқдорда этил моддаси борлиги ҳам аниқланди. Демак, ноинсоф Тиллаевлар шунча пайтдан бери одамларни заҳарлаб, уларнинг ҳаётига зомин бўлиб келаётган эканлар-да!

Яхшиямки, солиқчилар сотишга жўнатилаётган яшик-яшик оғунинг йўлига ғов қўйдилар. Акс ҳолда яна қанчадан-қанча одамлар заҳарланган бўларди.

Қонунда таъқиқланган тадбиркорлик турлари билан шуғулланган ота-бола Тиллаевлар энди қилмишларига яраша жавоб берадилар.

Ж. НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот гуруҳи раҳбари.

САЛОМАТЛИК ҲИМОЯЧИСИ

Эндиликда навоийликлар истеъмол қилаётган сув оғир металлар тузларидан тозаланади. Чунки санитария эпидемиология станцияси яқинда халқаро намунадаги мис, қўрғошин, рух ва бошқа заҳарли моддаларга ўта сезгир ускуна харид қилиб, ишга туширди.

Финляндияда ишланган бу ажойиб машинанинг яна бир қулайлик томони шундаки у сувдаги, ҳаводаги, тупроқдаги ва ҳатто истеъмол молларидаги зарарли микроблар миқдорини тезда аниқлаш имконини беради.

Т. ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа муддатли давлат облигацияларининг иккиламчи савдолари тўғрисидаги

расмий ҳисобот

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ўртасида тузилган шартномага биноан 21007UMFS ва 21008UMFS чиқарилишидаги қисқа муддатли давлат облигациялари бўйича Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида ўтказилган савдо натижаларини эълон қилади.

Қисқа муддатли давлат облигацияларининг эмитенти -- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

Савдо куни	Рўйхат рақами	Номинал қиймати (сўм)	Ҳажми (дона)	Ҳажми (сўм)	Битимлар баҳоси*			Талабномалар баҳоси*		Ёпилиш баҳолари*	
					энг сўнгги	минимал	максимал	минимал сотув	максимал харид	Сотиш	сотиб олиш
19 ноябрь	21007UMFS	1000.00	10020	9829650.00	98.50	98,00	98.50	98.00	98.50	98.50	97.50
21 ноябрь	21008UMFS	1000.00	23437	22566504.70	96.55	94.11	96.54	94.11	96.60	-	96.60

* Баҳолар номинал қийматдан 0,01 аниқлик билан фоизда кўрсатилган.

Саккизинчи мўъжиза

ЗАНГОРИ ЁҒДУЛАР СЕҲРИ



Республика телерадиокомпанияси қошидаги «Ўзбектелефильм» студияси ижодкорлари халқимиз маънавий ҳаётида фаол иштирок этиб келмоқдалар. Студияда яратилган кўплаб киноасарларида миллий анъаналаримиз ва урф одатларимиз, халқ ҳунармандчилиги турлари, илм-фан ва маданият арбоблари ҳаёти ҳақида зангори шуъла ҳамда таъсирчан сўз воситасида мароқли ҳикоя қилиб берилаяпти.

Агар сонияларнинг ўткинчилигини ва ҳеч нарсанинг абадий эмаслигини назарда тутганда ленталарда муҳрланган халқимизнинг ардоқли фарзандлари ҳаёти ёки долғали кунларимизнинг тасвири йиллар ўтган сари тарихийлик касб этиб бораверади. Мабодо, бугун «Ўзбектелефильм» хазинасини кўздан кечирадиган бўлсак, бир пайтлар довруғ солган машҳур санъаткорлар Юнус Ражабий ёки Тамарахоним, Комилжон Отаниёзов ёки Ботир Зокировни экран орқали кўриш имкониятига эга бўламиз. Бундай абадийликка муҳрланган картиналар эса талай. Албатта, даврлар ўтиши билан муносабатлар ҳам ўзгарганидек, замон фарзанди бўлган йирик санъаткор ҳаётининг талқини ҳар бир авлодда янгича маъно касб этаверади. Дейлик, рақс қироличаси сифатида эътироф этилган Мукаррама Турғунбоева санъатининг сеҳри бир неча раққосалар авлодига янгича илҳом ва сабоқ бериши мумкин. Бундай имкониятга эса студияда сақланаётган асарлар орқали эришиб бўлади.

Студия хазинасидаги асарлар ўз мавзуи ва жанрлари билан турличадир. Шуниси борки, фаолият кўрсатаётганига чорак аср бўлган ижодий жамоа хоҳ санъаткорлар бўлсин, хоҳ рассом ёки олимлар ҳақида бўлсин, бирор асарга қўл урар экан, унда миллийлик ва тарихийлик анъанасига содиқ қолганлар. Шу нуқтаи назардан мўйқалам усталари фаолияти ҳақидаги асарларни томоша қилиб, жаҳон расм санъати сеҳрини ҳис қилиш қийин эмас. Хусусан, Рўзи Чориев, Неъмат Қўзибоев, Самиғ Абдуллаев, Лутфулла Абдуллаев сингари машҳур тасвирий санъат намоёндалари ҳақидаги телефильмлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Халқимизнинг бой маданий мероси, ҳунармандчилик санъати каби мавзуларга ҳам тез-тез мурожаат этиб турилади. Ўлкамиз тарихининг муҳим қирраси -- қайта юз очаётган лак миниатюраси, зардўзлик тўғрисида талайгина фильмлар яратилган.

Ўтмишдан ҳикоя қилувчи «Буюк Турон» ҳужжатли фильми томошабинлар ва мутахассислар томонидан самимий кутиб олинди. Ушбу фильм Туронзамин тарихи, бу ерда истиқомат қилган одамлар, уларнинг турмуш тарзи, бугунги кунгача сақланиб қолган қадимий ёдгорликлар, нодир обидалар ҳақида ҳикоя қилади. Зардўштийларнинг муқаддас китоби бўлмиш «Овесто»да айтилишича, Буюк Турон номли қудратли мамлакат мавжуд бўлиб, у серсув, азим дарёлар, яйловларга бой Хоразм, Сўғд, Бахтар каби беқиёс гўзал ўлкаларга эга бўлган. «Буюк Турон» фильмида ана шу заминда истиқомат қилган қадимий аждодларимизнинг юз тузилишидан тортиб уларнинг имон-эътиқоди ҳақида тарихий манбааларга суянган ҳолда батафсил маълумот беришга ҳаракат қилинган. Ижодкорлар 30 дақиқа давомида музей залларида сақланаётган ашёвий далиллар, она-юртимизнинг ўзига хос табиати, дунёга машҳур топилмалар, тошга ўйиб туширилган суратлар, қазилмалар жараёнида топилган антиқа буюмлар воситасида ўлкамизнинг энг қадим даврларга оид бўлган тарихи ҳақида ҳикоя қиладилар.

Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг энг яхши одатларидан бири. Амир Темур йили муносабати билан ижодкорларимиз бу мавзуга қайта-қайта мурожаат этиб, қатор телефильмлар яратдилар. «Темур ва темурийлар даври ёдгорликлари» рукни остида Амир Темур раҳнамолигида бунёд этилган меъморий обидалар ҳикоя қилувчи «Темур дурдоналари», Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида яратилган обидалар тўғрисида сўз юритувчи «Олис юлдуз шуъласи», Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида яратилган «Амир Темур» бадиий-публицистик телефильм шулар жумласидандир. «Мовароуннаҳр» деб номланган фильмда неча юз йиллар олдинги тарихий, жўғрофий ва бошқа манбаларда тилга олинган юртимизнинг VIII-XI асрлардаги ўтмиши, шу давр мобайнидаги сиёсат, маданият, илм-фан соҳасида юз берган воқеа-ҳодисалар асосий мавзу бўлган.

«Ўзбектелефильм» ижодкорлари яратган асарларни кўздан кечирар экансиз, халқ ҳунармандлари ва ҳунармандчилик санъати ҳақидаги фильмлар диққатингизни тортади. Ўзи ҳам, дили ҳам пок, яратган асарлари билан халқимиз шуҳратини оламга кўз-кўз қилаётган қўли гул усталар, ҳунармандлар билан танишасиз. Пичоқчи усталар ҳақида ҳикоя қилувчи «Ўлмас касб соҳиблари», «Чуст жилолари», кулоллар тўғрисида яратилган «Кулол Раим бобо», «Убалик мўъжизакорлар», ёғоч ва ганчда ажойиб жилвалар яратаётган моҳир усталар тўғрисидаги «Нафосатга бахшида умр», «Ўлмас мерос» каби телефильмлар томошабинни бефарқ қолдирмайди.

ЮНЕСКО томонидан халқаро аҳамиятга эга тарихий шаҳарлар деб эътироф этилган Самарқанд, Бухоро, Хиванинг ажойиб меъморий обидалари ҳақида яратилган телефильмлар нафақат ўлкамизда, ҳатто чет элларда ҳам намойиш этилмоқда. «Самарқанд», «Хива», «Афсонавий Бухоро», «Чор Бакр», «Зангиота», «Шайхонтоҳур» -- бу фильмлар ана шу мавзудаги асарлардан айримлари, холос.

Йиллар ўтаверади. У ширин ва осуда дамлар, тиниқ ва сокин оқаётган дарё мисол чексиз орзуларни ортда қолдириб кетаверади. Аммо унинг ортида армонли дунё, аччиқ ҳақиқат борлиги ҳеч кимнинг хотирасидан кўтарилмайди. Студия ижодкорлари Абдулла Қодирий ҳақида ҳикоя қилувчи «Ҳўрликдан ўлим тансиқроқ», Чўлпон тўғрисида яратилган «Мен халқимнинг пок истакли кучиман», Усмон Носир тўғрисидаги «Унутмас мени боғим», шунингдек, «Абдурауф Фитрат» каби телевизион ҳужжатли фильмлар билан ажойиб ёдномаларни замондошлар ҳукмига ҳавола этдилар.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз хотирасини билмаган халқнинг ҳам келажаги бўлмайди». Дарҳақиқат, азалдан маданият ва санъатни улуғлаган, деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш ишига пойдевор қўйган табаррук она-заминимиз ҳақида ҳикоя қилиш ижодкорлар олдида турган долзарб вазифадир.

Н. КАМОЛОВА.

ТОШНИ ЁРИБ ЧИҚҚАН ГУЛИНГНИ ЎПАЙ ЎЗБЕКИСТОН

Жаҳонни лол этган фарзандинг бисёр
Ат-Термизий, Яссавийдек илмдор,
Ал Бухорий, Нақшбандий пирим бор,
Довруғинг бир олам, жонларга жонсан,
Ватаним -- сен озод Ўзбекистонсан.

Тонгларинг ёруғдир, камолот сенда,
Ҳуқуқий давлатсан, адолат сенда,
Алпомишдан мерос -- шижоат сенда,
Довруғинг бир олам, жонларга жонсан,
Ватаним -- сен озод Ўзбекистонсан.

Ҳурликка бошлаган йўлингни ўпай,
Саҳроларинг ила чўлингни ўпай,
Тошни ёриб чиққан гулингни ўпай,
Довруғинг бир олам, жонларга жонсан,
Ватаним -- сен озод Ўзбекистонсан.

Тўрт томонинг чаман, шиғил мева, боғ,
Илоҳим асрасин минг битта паноҳ,
Сени қўллаганни қўлласин Оллоҳ,
Довруғинг бир олам, жонларга жонсан,
Ватаним -- сен озод Ўзбекистонсан,

ГУЛЛАДИ

Неча йил нур истадим, неча йил гул истадим,
Эришдим-у еру фалакларим гуллади.
Турфа гуллар шохида чарх айлади булбуллар,
Ёрилтошлар ёрилди, юракларим гуллади.
Истиқлол жамолини кўролмай кетганларнинг
Руҳларида жаннатий чечакларим гуллади.
Аждарҳони енгди ботир, қирқ алпим омон қолди,
Хаёлдаги орзуларим, эртакларим гуллади.
Истиқлол берган иқбол, Ҳумо олиб келди бахт,
Мулки Турон бағрида тилакларим гуллади.

Абдикамол РАҲМОНОВ.

МАМЛАКАТИМИЗ СПОРТИНИНГ ЖИДДИЙ КЎРИГИ

ёки вилоятлар спортининг кўзгуси вазифасини ўтаган I Спартакиада мусобақалари якунлари ҳақида мулоҳазалар

Газетамизнинг йил бошидаги сонларида мамлакатимиз спортида янги тарихий саҳифа очилгани, юртимизда биринчи марта спортнинг 28 тури бўйича Спартакиада мусобақалари ўтказила бошланганлиги ҳақида мақолалар берган эдик. Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги ва мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган ушбу йирик мусобақани январь ойида боксчилар бошлаб берган бўлса, кузнинг сўнгги кунларида чим хоккейчиларимиз бу катта спорт мусобақалари «марафони»га якун ясашди.



Спартакиаданинг мамлакатимиз спортида муҳим аҳамият касб этадиган жиҳати шундаки, у ўлкамиз спортини, спортчиларни жиддий кўриклан ўтказади ва уларни халқаро майдонга тайёрлашда ўзига хос катта роль ўйнайди. Унда ҳар бир вилоят 28 спорт тури бўйича ўзининг терма жамоалари билан қатнашиши эса биринчи навбатда спорт қайси вилоятда қай даражада ривожланганлигини кўрсатса, иккинчи томондан Спартакиада барча вилоятлар учун ўзаро мусобақалашиш, рақобатга кириш имконини беради. Бу рақобат ўз навбатида республикамизда спортнинг ривожланишига хизмат қилади. Шунингдек, Спартакиада мамлакатимизнинг спортга мутасадди раҳбарлари учун қайси жойларда қайси бир спорт турини ривожлантириш, оёққа қўйиш ишлари оқсаётганлигини, ҳал қилиш лозим бўлган мавжуд камчилик ва нуқсонларни кўрсатиб беради. Том маънода ифодалаганда Спартакиада нафақат вилоятлар, балки республикамиз спортининг кўзгуси вазифасини ўтайди. Ана шу эзгу мақсадлар кўзда тутилиб, йил бошиданоқ бу йирик мусобақани ўтказишга киришилдики, ўтган ҳафтада ниҳоясига етган Спартакиада, қисқа қилиб ифодалаганда, кўзланган мақсадларнинг рўёбига, ҳақиқатига айланди.

Йил давомида таҳририятимизга республикамизнинг турли ҳудудларидан Спартакиада мусобақаларига қандай тайёргарлик кўрилаётгани, стадионлар, спорт заллари, бассейнлар таъмирланаётгани ва Спартакиада мусобақаларининг бориши ҳақида турли хат-хабарлар, мақолалар келиб турди. Биз уларнинг аксариятини газета саҳифаларига олиб чиқдик. Шунингдек, баъзи муштарийларимиз ўзлари яшаётган ҳудуд, вилоят жамоаларининг Спартакиадада қандай қатнашаётганлиги, нечинчи ўринда бораётгани ҳақида қизиқишиб, турли саволлар билан мурожаат қилишди. Шулардан ҳам билса бўладики, бу йирик мусобақага спорт ихлосмандлари томонидан ҳам қизиқиш катта бўлди. Муҳими, Спартакиада мусобақалари республикамизнинг турли ҳудудларига кириб борди ва шу баҳона юртимиздаги кўпгина стадионлар, спорт заллари, машғулот майдонлари қайта таъмирланди. Қизиқарли беллашувларга бой мусобақалар эса кишиларни соғлом турмуш тарзи сари руҳлантирди.

Спартакиаданинг якуний натижаларини таҳлил этадиган бўлсак, спорт Тошкент шаҳрида бошқа ҳудудларга қараганда кўпроқ ривожланганлигининг гувоҳи бўламиз. Пойтахтликлар Спартакиада дастуридан ўрин олган 28 спорт турининг 12 таси бўйича энг юқори натижаларга эришишди ва умумжамоа ҳисобида 5740 очко жамғаришиб, I Спартакиаданинг ғолиби бўлишди. Пойтахтликларнинг муваффақиятига табиий бир ҳол сифатида қараш жоиз. Зеро, спортчилар ва спорт мутахассислари таъбири билан айтганда, қайсики ҳудудда саноат, ишлаб чиқариш ривожланган бўлса, ўша ерда спорт ҳам гуллаб-яшнайди. Жаҳон тажрибасидан ҳам маълумки, спортнинг бош ҳомийси азаллан ишлаб чиқаришга асосланган йирик ва бой корхоналар, заводлар, корпорациялар бўлиб келган. Бундай бой корхоналар спортчиларга ҳомийлик қилишдан ташқари уларнинг шарт-шароитларини яхшилаш мақсадида спорт иншоотлари, машғулот ўтказиш майдонлари қуриб беришган. Қулайликларга, спорт кийимлари ва жиҳозларига бўлган эҳтиёжларини қондиришган. Шароит бор жойда кўплаб истеъдодлар камол топиши табиий бир ҳолдир. Сўзсиз, Тошкент республикамизнинг энг саноатлашган, ишлаб чиқаришга асосланган кўплаб завод ва корхоналарга эгаки, уларнинг аксарияти ўзининг стадионларига, спорт иншоотларига, машғулотлар ўтказиш базаларига эга. Тошкент шаҳри терма жамоасининг I Спартакиадада юқори поғонага кўтарилишига ана шу кўплаб спорт иншоотлари, заллар, машғулотлар ўтказиш базалари ва уларда камол топган спортчилар сабаб бўлган бўлса, неажаб. Қолаверса, республикамизнинг энг йирик спорт марказлари, ўқув юртлари ҳам Тошкентда жойлашган. Демакки, қолган вилоятлар спортни ривожлантириш учун нималарга эътибор бериш кераклиги борасида пойтахтликлар тажрибасини ўрганишда ана шу жиҳатларга диққатларини қаратиб, шу йўналишда иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Спартакиада мусобақаларида кейинги ўринларни Андижон (4425 очко), Самарқанд (3942 очко), Тошкент (3901 очко) вилоятлари терма жамоалари эгаллашди. Андижонликлар 18 спорт тури бўйича совриндор бўлишди. Улар 2 спорт тури бўйича биринчи, 4 спорт тури бўйича иккинчи, 12 спорт тури бўйича учинчи поғонага кўтарилишди. Самарқандликларнинг 26 та спорт тури бўйича Спартакиада мусобақаларида мунтазам ва муносиб қатнашиши, ҳамда ҳеч бир спорт тури бўйича охирги ўринни эгалламаганлиги уларни учинчи поғонага кўтарди. Тошкент вилояти вакиллари эса 25 спорт тури бўйича мусобақа майдонига чиқиб, 14 марта совриндор (2 марта биринчи, 8 марта иккинчи ва 4 марта учинчи ўринни эгаллашди) бўлишди. Бу вилоятлар муваффақиятининг сири нимада? Айни кунда мамлакатимизда бешта республика миқёсидаги Олимпия ўринбосарлари билим юрти мавжуд. Улардан энг каттаси Тошкент шаҳрида, 2 таси Самарқанд вилоятида, қолган иккитаси эса Андижон ва Тошкент вилоятларида фаолият кўрсатмоқда. Агар I Спартакиада мусобақаларининг юқорида таъкидланган вилоят терма жамоалари натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, унда Олимпия ўринбосарлари билим юрти тарбияланувчиларининг салмоқли ҳиссаси борлигининг гувоҳи бўламиз. Умуман олганда республикамиз терма жамоаларини шу билим юртларида камол топаётган ва тарбияланган спортчиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демакки, республикамизда спортни янада ривожлантириш учун бундай билим юртларини кўпайтириш ёки улар фаолиятини кенгайтириш лозим бўлади. Буни I Спартакиада мусобақаларининг натижалари ҳам кўрсатиб турибди.

Хоразм, Жиззах, Қашқадарё вилояти терма жамоалари I Спартакиадада очколар жамғариш бўйича бошқа вилоят вакилларига нисбатан сезиларли даражада орқада қолиб кетишди ва сўнгги поғоналарни эгаллашди. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ушбу вилоятларда спорт жуда оқсаяпти. Устига-устак бу вилоятларда спортга эътибор, муносабат ҳам жуда ёмон аҳволда. Бўлмаса, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари Спартакиада дастуридаги 28 спорт туридан бор-йўғи 15 тасига ўз вакилларини юборганлигини қандай тушуниш мумкин?

Халқаро миқёсда нуфузи тобора ошиб бораётган мамлакатимиз спорти шарафини жаҳон майдонида муносиб ҳимоя қиладиган олий маҳоратли спортчиларни тарбиялаш борасида ҳам айнан шу вилоятларда ва Сурхондарёда ибрат қилиб кўрсатгулик ишлар деярли амалга оширилмаяпти. Буни I Спартакиада мусобақаларининг якуний натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Жиззах вилояти спортчилари бирор марта ҳам Спартакиаданинг совриндорлари қаторидан жой олишолмади. Сурхондарёликлар ва қашқадарёликлар олти спорт тури бўйича охирги ўринни эгаллашди.

I Спартакиаданинг якуний натижаларидан яна шуни билиб олиш мумкинки, республикамизда бадминтон, академик эшкак эшиш, қиличбозлик каби спорт турларини ривожлантириш, оммалаштириш ишлари оқсаяпти. Бу спорт турлари бўйича мусобақаларда бор-йўғи олти ва етттидан жамоа қатнашди. Агар спортчиларимизнинг халқаро майдондаги натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, айнан шу спорт турлари бўйича етук, халққа танилган вакилларимиз йўқлиги ёки кам сонли ҳаваскорларимизнинг халқаро майдонда жуда паст даражада қатнашаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ҳа, I Спартакиада республикамиз спортининг ютуқ ва камчиликларини худди кўзгудагидек акс эттирди. Тўғри, бу кенг қамровли, йирик мусобақа юртимизда биринчи марта ўтказилгани боис ташкиллаштириш, уюштириш жиҳатидан унинг ўзига хос камчиликлари бўлиши табиий бир ҳол. Эътиборсизлик туфайли баъзи вилоятларнинг етук спортчилари, юлдузлари Спартакиада майдонига чиқолмай қолган ва бу вилоятнинг умумкўрсаткичларига таъсир қилган бўлиши ҳам мумкин. Лекин ана шу лоқайдлик, эътиборсизлик қачонгача давом этади? Ўйлаймизки, I Спартакиада кўзгусидан барча вилоятларнинг спортга мутасадди раҳбарлари тўғри хулосалар чиқаришади ва республикамизда олиб борилаётган «Соғлом авлод учун» кураш сиёсатига муносабатларини тубдан ўзгартиришади.

Мустақил мамлакатимизнинг илк Спартакиадасининг якуний жадвали эса қуйидагича бўлди:

ЖАМОАЛАР	ОЧКО
1. Тошкент шаҳри	-- 5740
2. Андижон вилояти	-- 4425
3. Самарқанд вилояти	-- 3942
4. Тошкент вилояти	-- 3901
5. Фарғона вилояти	-- 3462
6. Сирдарё вилояти	-- 2164
7. Навоий вилояти	-- 2128
8. Наманган вилояти	-- 1971
9. Бухоро вилояти	-- 1757
10. Қорақалпоғистон Республикаси	-- 1523
11. Сурхондарё вилояти	-- 1469
12. Хоразм вилояти	-- 931
13. Жиззах вилояти	-- 924
14. Қашқадарё вилояти	-- 687

Бокс, эркин кураш, дзюдо, самбо, шоҳмот, енгил атлетика спорт турлари бўйича мусобақаларда барча вилоятлар жамоаси қатнашдики, бу спорт турлари республикамизда анча оммалашганини ва ривожланганлигини кўрсатади. Ўйлаймизки, мутахассислар I Спартакиада якунлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади.

Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РАҚС КЕЧАСИ

Тошкентнинг Ибн Сино номидаги маданият марказида устоз санъаткор, халқ артисти Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишланган кеча ўтказилди. Тадбир иштирокчилари таниқли маданият, санъат ва фан арбобларининг Мукаррама опа ҳақидаги хотираларини тингладилар. Улар халқ артисти Қундуз Миркаримова билан ҳам учрашдилар. Кечада ўзбек миллий рақс санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган иккала санъаткор яратган жозибали рақслар ижро этилди.

КЎРГАЗМА

Пойтахтимиздаги Ҳиндистон элчихонаси маданий марказида рассом Рустам Худойберганов ижодига бағишланган кўргазма очилди. Унда рассомнинг юрт ва халққа меҳр-муҳаббат туйғулари билан йўғрилган асарлари ўрин олган.

(ЎзА).

ТОШКЕНТ САВДО • САНОАТ ЯРМАРКАСИ

16 декабрдан 21 декабргача

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлари палатаси

ўзбек ва хорижий фирмаларни, корхоналарни

II Тошкент савдо-саноат ярмаркасига таклиф этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмасининг "Хамар" халқаро алоқалар марказида (Ш. Рашидов кўчаси, 40)
16 декабрдан 21 декабргача

Биз Сизни ярмаркамизда кўришдан ғоят хурсандмиз.

Ярмаркада қатнашиш масаласида дирекцияга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент ш., Госпитал массиви, 12.
Тел.: (3712) 54-04-87, 55-56-33.
Факс (3712) 55-15-57

Очиқ турдаги "Бектемир бозори" акционерлик жамияти кузатув кенгаши

акционерларнинг навбатдан ташқари йиғилиши 1996 йил 3 декабрда Тошкент шаҳар Фарғона йўли кўчасидаги "Бектемир бозори" А.Ж нинг маъмурий биносида ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш соат 15 да бошланади. Акционерлар соат 14 дан бошлаб рўйхатга олинади.

Рўйхатга олиш учун қуйидагилар бўлиши керак:

1. Акциядорнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат.

2. Нотариал томонидан тасдиқланган ишончнома (агар йиғилиш қатнашчиси акциядорнинг вакили бўлса).

Йиғилиш кун тартиби:

1. Янги таҳрирдаги Уставни, акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги, кузатув кенгаши тўғрисидаги, тафтиш комиссияси тўғрисидаги, дивидендларни шакллантириш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомларни қабул қилиш.

2. Саноқ комиссиясини сайлаш.

Кузатув кенгаши.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси жамоаси Навоий вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси Л. П. Юриковага акаси **Геннадий Георгиевич ВОЛКОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар дирекцияси жамоаси таржимон **Қаҳрамон НУРМАТОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат-акционерлик корпорациясининг бошқаруви фахрий автотранспортчиси, запасдаги полковник **Нурулла ИЛЕСОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир —И. Худоёров.
Навбатчи —Ғ. Юсупов.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Бободўстов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0644 35365 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 21.40. 123456